

**ЎЗБЕКИСТОН
ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ
АХБОРОТИ**

* * *

**ИЗВЕСТИЯ
ГЕОГРАФИЧЕСКОГО
ОБЩЕСТВА УЗБЕКИСТАНА**

42 - жилд

**ТОПОНИМИКА ВА
УМУМГЕОГРАФИК МАСАЛАЛАР**

Тошкент-2013

ЗООТОПОНИМЛАР ГЕОГРАФИЯСИ ҲАҚИДА

Усмонов М., Ҳакимов Қ.М., Бурхонов Э.

Кириш

Географик харитада келтирилган бой ва хилма-хил ахборотлар орасида жой номлари алоҳида ўрин тутлади. Улар жойнинг географик ўрнини аниқлаш учун ҳам, географик тушунчаларни ифода этиш учун ҳам зарурдир. Маълумки, ҳар қандай топоним инсон фаолиятининг маҳсули, у географик объектнинг номи сифатида ер юзининг маълум бир нуктасида пайдо бўлган.

Ҳар бир давр, тузум ўз мафкураси ва маънавияти, маданияти, ишлаб чиқариш тарзи, хўжалик фаолияти ва бошқа сиёсий, иқтисодий-ижтимоий омилларга таяниб номлар мажмуини яратади ва айнан жой номларида кишилик жамияти тараққиётидаги давр руҳи, халқнинг турмуши ва маданияти билан боғлиқ турли хил воқеа-ҳодисалар муҳрланиб қолади. Бошқача айтганда, географик номлар «ўлик» сўзлар эмас, балки замирида халқ ҳаёти, тарихи, тили ва шунга ўхшаш бошқа кўплаб сирларни асраётган бебаҳо хазинадир.

Ўтмишда кишилар ҳаёти табиат билан чамбарчас боғлиқ бўлганини инобатга олсак, табиий географик омиллар асосида шаклланган номлар илгарилари ҳозиргига нисбатан катта ўрин тутганлигини тасаввур қилиш кийин эмас. Шу сабабдан, муайян ҳудуднинг топонимиясини таҳлил қилганда жой номи давр маҳсули эканлигини эътиборга олиб, мавжуд маълумотларни ҳозирги замон мавқеидан эмас, балки ўша даврдаги кишиларнинг нуктаи назаридан таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Биринчи эшитганда маъносиздай туюлган номлар чуқурроқ қаралса, кўпинча қутилмаган мазмунни бериши мумкин. Баъзан, маълум бир географик объектга ном бўлиб хизмат қилган ўсимлик ёки ҳайвон йўқ бўлиб кетган бўлса ҳам, аммо жой номида сақланиб қолаверади.

Асосий қисм

Топонимикада географик ном келиб чиқиши, агар ҳайвонот о билан боғлиқ бўлса зоотопоним (э ҳайвон) деб аталади. Мутахассислар таъкидлашича, зоотопонимлар номлари таркибида аслида унча кўп ва уларнинг пайдо бўлиш сабаблари турлича. Баъзан зоотопонимнинг пайдо бўлиши бевосита ҳайвоннинг ўзи билан боғлиқ бўлса, кўпинча ундан мажму маънода ҳам фойдаланилган.

Ҳақ шундаки, зоотопоним чиндан ҳам бирон ҳайвон тури билан аталганини тўла ишонч билан аниқлаш кийин, чунки ҳар қандай ҳайвон номи бошқа, кўчма маънода қўллан бўлиши ҳам мумкин. Улар фарқлашнинг кийинлигини яна томони шундаки, қадимда бир қаъд этник гуруҳларнинг (уруғ - айм) мукаддас ҳайвонлари бўлиб, киши ўзларини шу ҳайвонлардан тарқали деб ҳисоблашган. Бу топонимик ҳодиса фанда «тотем» деб аталади ва ҳозир ҳам кам ўрганилган. Чунончи, Боймоқ Қулонли, Қорақўйли, Илонли қай номлар шу асосда пайдо бўлган.

С.Қораев фикрича, «илонли - ўзбек қавмларидан бири. Илонни, жилон, жилонтамғали деб ҳам аталган. Тамғали (тотем) илон шаклида бўлгани учун шундай ном олган. Ўтмишда илон мазкур этник жамоа турмуш тарзида ҳам эътиқодида катта ўринга эга бўлган. Илончи топоними ҳам шу этноним билан боғлиқ бўлиши мумкин, чунки судрал юривчи ҳайвон ҳисобланган илон кўпинча жойлар кўпинча илонлида ёки илонлиқалъа, илонсой деб аталган» [4].

Бевосита ҳайвонлар номи билан боғлиқ топонимлар ҳам талайгина бўлиши улар анча қадимий номлар ҳисобланади. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, ҳар қандай жой номи каби, зоотопонимлар ҳам муайян бир тарихий даврнинг маҳсулидир. Ана шундай, ўтмишда кўпгина зоотопонимларнинг кели

чикишига сабаб бўлган хайвонлардан бири туядир.

Фан-техника ўта тараккий этган ҳозирги замонда туя ўзининг жисмоний кучи, сувсизликка ва жазирамага ўта чидамлилиги ва ташки киёфаси билан ҳар қанча эътиборга молик бўлмасин, бу жонивор номи замонавий топоним ясаш «танловида» иштирок эта олмаслиги аниқ, аммо ўтмишда доно халқимиз нафақат ташки кўриниши ғалати, балки ички тузилиши ҳам жумбокли бўлган туядан жой номлари ясапда кенг фойдаланган.

Кўпинча зоотопонимлар жойнинг геоморфологик хусусиятига қараб, унинг ташки кўриниши асосида ҳам вужудга келган. Дастлабки тўлик бўлмаган маълумотларга қараганда республика ҳудудида туя сўзи эллиқдан ортик топоним таркибида учрайди. Масалан, Туябоши, Туябўғиз, Туятортар, Туяошув, Туяйлов, Туякорин, Туякуйрук, Туяқудук, Туядала, Туячи, Туябулок, Туябўйноқ ва ҳоказо.

Туя беназир улов бўлиши баробарида гавда тузилишининг ғалатилиги билан ҳам кишилар эътиборни тортган. Туячи сўзининг луғавий маъноси сарбон, туяқаш, туя қарвонининг бошлиғи эканлигини ҳамма биледи, лекин туяқудукнинг суви туя кучи билан тортиб чиқарилишини, кўтарма ариққа сув берадиган улкан чиғирнинг туя ёрдамида ҳаракатга келтирилишининг туятортар деб аталишини ҳамма ҳам билавермас керак.

Профессор Т.Нафасов, Туятортар ариғининг бундай номланишини қўйидагича таърифлаган: «арикка сув дарёдан чиғир орқали чиқарилган. Чиғир эса туя орқали ҳаракатга келтирилиб, айлантирилган. Чиғирга ўрнатилган сув идишлари анча йирик бўлган, шунинг учун у катта куч билан айлантирилган. Чиғир ҳаракати туя кучи билан амалга оширилганлиги туфайли шундай аталган» [3]. Оқим ўзани пастликда бўлгани боис чархпалакни туя тортиб айлантириб юқорига чиқарилган сув оқадиган анҳор ҳам Туятортар дейилган.

Туяошув - эшак тугул туя ҳам ошиб

кета оладиган ясси тоғ доवони; туябўғиз - даранинг бўғиз сингари тор жойи ёки дарёнинг туя бўғизига - бўйнига ўхшаб оқадиган жойи; туятош - баланд тош, юксак тош, узоқдан туя шаклида бўлиб кўринадиган баланд тошли жой, ёки туядан ҳам йирик яққа тош қоя; туяшоти - ёлғизоёқ йўли бўлган катта баландлик, чўкки; туябўйин - бўйин узунасига чўзилган кирсимон баландлик, ўртасида кирраси бўлиб, икки томони қия тушган чўзиқ дўнглик ёки дарё суви туянинг бўйнига ўхшаб иланг - биланг бўлиб оқадиган жой; туямўйин - тоғ, дарё, кумлик жойларнинг тор қисми - йўлаги, туя бўйнига ўхшаш эгри жой; туябўйноқ -XI- аср туркий тилида бўйноқ - тоғ бўйни, бўйин сингари чўзиқ кирсимон баландлик, кирнинг бир кўриниши; туякуйрук - пояси туяни думини эслатадиган ўсимлик; туятовон - туянинг товонига ўхшаб ерда ёйилиб ўсадиган ўт; эканлигига ишорадир.

Туясингир - сингир умумтуркий сўз. Академик В.В.Радлов тоғ этагидаги баландлик, бурун, тепа деб шарҳ берган [3]. Сингир сўзи «Бобурнома»да бошқа маънода учрайди. Бобурнинг ёзишича, Афғонистонда тоғда истехком қуриш, ҳарбий куч билан мустаҳкамлаш сингир дейилган. Аслида, сингир сўзининг ареали анча кенг ва у кўпинча тоғ бағирларидаги ёлғиз баландлик, чўччайиб турган дўнглик, ёлғиз тепа ҳамда тупроқ уйиб, тош қалаб қилинган тўсик маъносида қўлланилган [2].

Академик В.В.Бартольд ҳам сингир сўзини «истехком» деб таржима қилган [1]. Туясиқилди - мажозий ном. Юк ташиш учун туя транспорт воситаси сифатида фойдаланилган даврда туя ўтолмаган, ўта тор, сиқик жой, даранинг энг танг нуктаси - туя қисилди деб аталган.

Хулоса

Топонимларнинг этимологиясини аниқлашда грамматик тузилишидан кўра, уларнинг номинация ва географик қонуниятларини аниқлаш ва ўрганиш биринчи ўринда турмоғи керак. Чунки, ҳар қандай географик ном ижтимоий ҳодиса бўлиб, у нафақат табиат, балки

жамият тараккиёти ва эҳтиёжи билан ҳам чамбарчас боғлиқлигини унитмаслик даркор. Уларни ўрганиш нафақат география, балки лингвистика, тарих,

этнография, ботаника, зоология қадимий фанлар учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Бартольд В.В. Соч. т. 3. - М., 1965. -с. 184
2. Бобур З.М. Бобурнома. - Тошкент, 1960. - б.206
3. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. - Тошкент, 1988, - б.180.
4. Qoraev S.Q. Toponimika. - Tashkent, 2006, - b.192.

Резюме

В статье рассматриваются зоотопонимы и различные аспекты образования этого типа топонимов. Приводятся конкретные названия мест, связанные с животным миром.

Тавсия этувчи:

доц. Ғуломов П.Н.

ГЕОГРАФИК НОМЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ҲАҚИДА

Усмонова С.А.

Номларни халқ маълум даврда ижтимоий эҳтиёж туфайли яратганлиги аниқ, аммо ана шу эҳтиёжга туртки бўлган ижтимоий, маданий, психологик, лисоний омилларни топиш анча мураккаб масала. Сабаби номларга ўзгарувчанлик хос ва бу ўзгаришлар турли босқичда содир бўлиши мумкин. Масалан, баъзи номлар умуман ўзгармаган бўлса, бошқалари тарихан узок даврда шаклан ўзгариб тушунарсиз бўлиб қолган. Айрим мутахассисларнинг фикрича, ном қанча қадимий бўлса шунча тушунарсиз бўлади.

Номларнинг ўзгариши сабаблари ҳам турлича бўлиши мумкин. Баъзан, географик номнинг ўзгариши уни турли халқлар тилларида қўлланиши бўлса, иккинчидан, бир тилдаги сўзнинг товуш ўхшашлиги, аммо мазмунан фарқ қилиши, учинчи ҳолда эса тилнинг товуш ва грамматик тузилишида содир бўлган ўзгаришлар сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳодиса илмий топонимик тилда *трансформация* дейилади. Географик номнинг трансформацияси бу - унинг қўллаш тарихи жараёнда ўзгаришидир.

Топонимлар трансформацияси турлари:

1. *Соддалашиш.* В.А.Жучкевич фикрича, номларни соддалашиш қонунияти топонимика учун анъанавий ҳодиса саналади. Кўп компонентли

номларнинг ихчамроқ шаклга кириши Масалан, *Жўйи Лангар - Жулангар; Бу Убайда - Бувайда.* Дарҳақиқат, жой ном мазмунини сақлаб қолиб, уни имло қадар қиска шаклда баён этиш топонимика учун муҳим қонуният. Географик объектни номлашда, уни тўла тавсифи керак эмас, балки фақат умумий ва имкони борича ихчам ифодалаш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, топонимлар грамматик ва семантик жиҳатдан ҳозирги шаклга келгунга қадар талай ўзгаришлар жумладан, номнинг тежаш тамойили асосан қисқаришга учрайди. Чунонча, дастлаб географик объект *най уругининг қишлоғи* номини олди. Чинакам топонимга айланиш жараёни тугамаганлиги боис, жой номи бутун гапдан иборат ва ишлатиш учун ноқулай бўлган. Тилнинг лексик воситалар тежаш қонуниятига кўра, узок йиллар давомида географик ном сайқаллаштириб, ниҳоят Найман шаклини олади. Номнинг қисқариш суръати уни қанчалик қўлланилишига боғлиқ.

Номлардаги тежамкорлик боис мамлакатлар топонимиясида ҳам *Санкт-Петербургни - Питер, Франциско -Фриско, Лос-Анжелес -Э* (инглизча бош ҳарфлари билан) аташади. Испан тилли топонимияга тежашкорлик хос. Чунончи, 1535 й